



# Ishonch

**Моҳият**  
Жондан азиз  
Ватанимизнинг  
тақдири, келажак-  
гимиз бугун  
униб-ўсиб кела-  
ётган ёш авлод-  
га, унинг жисмо-  
ний ва маънавий  
камолотига  
боғлиқ.  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqra boshlagan



● Фестивал

## Озод юрт фарзандлари

Йигирма йил тарих олдида унча катта муддат эмас. Аммо шу даврда улғайган ёшлар юз-кўзидаги қувонч, келажакка ишонч истиклол меваси ҳисобланади.  
Жорий йилнинг 17-20 август кунлари пойтахтимизда «Камолот» ЁИХ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари

идораси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» бирлашмаси ҳамкорлигида илк бор «Истиклол фарзандлари» ёшлар фестивали ташкил этилди.  
Фестивалда мустақиллик йилларида юртимизда қўлга киритилган ютуқлар, ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилди. Бундан ташқари, мазкур тадбир ёшларни мамлакатимиздаги

бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.  
Унда «Камолот» ЁИХнинг 700 нафар етакчи ва фаоллари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари қатнашди.

Иштирокчилар фестивал доирасида «Шаҳидлар хиёбони» ёдгорлик мажмуи ва «Қатагон қурбонлари» музейига ташриф буюрди. Айниқса, «Нуроний» жамғармаси томонидан меҳнат фаришлари билан уюштирилган «Уч авлод учрашуви» мавзuidaги тадбир уларда катта таассурот қолдирди.  
**Давоми 2-бетда**

## Ислоҳот Бунёдкорлик ишларига камарбастамиз

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош мақсадидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан «Ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси замирида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам экани бугун барча соҳалардаги ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.  
Бу жараёнда инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашни мақсад қилган Ўзбекистон касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.  
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА муҳбири Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила НАРБАЕВА билан бу борда амалга оширилётган ишлар ҳусусида суҳбатлашди.

— Мамлакатимиздаги энг йirik жамоат ташкилотларидан ҳисобланган касба уюшмалари меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий ўзликини англаш, уларда юксак маънавиятни шакллантиришда фуқаролик жамиятининг муҳим куларидан биридир, — дейди Т.Нарбаева. — Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўйбга чиқариш учун кенг шaroит яратиш, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқини ҳимоялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш Ўзбекистон касба уюшмаларининг устувор вазифаларидандир.  
Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси касба уюшмалари фаолиятини ҳам янги асосда ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлаётди.  
Концепцияда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар тизим фаолиятига босқичма-босқич татиб қилинмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари орқали меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, қулай ва етарли меҳнат шaroитлари билан таъминлаш, соғломлаштириш ишлари сифатини ошириш борасида тизимли фаолият олиб бoрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-санoат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзоланди. Мазкур ҳужжат касба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, иш бeрyвчилар ва касба уюшмалари ўртасидаги жамоа шартномавий муносабатларини ижтимоий шериклик тамойиллари асосида мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Касба уюшмалари ҳамда икro ҳoқимияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик aloқаларини йўлга қўйиш, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ва маънавий юксалтириш ишларида муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди. Бу жараёнда айрим касба уюшма ташкилотларини оптималлаштириш тизимини ҳар томонлама мустаҳкамлаш имконини бeрмоқда.

Бошланғич касба уюшма қўмиталари фаолиятини кучайтириш — меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳар бир ҳудуддаги вилоят, туман ҳамда қорхона, ташкилот ва муассасаларда касба уюшма қўмиталари доимий амалий ёрдам қўрсатиш йўлга қўйилди. Федерация кенгаши томонидан ўттизга яқин меъерий ҳужжат қабул қилиниб, барча касба уюшма ташкилот-

ларига етказилди.  
Масалан, санаторийларга йўлланмалар бeришнинг янги тартибига қўра, ҳoдим касба уюшма қўмитаси орқали санаторийга йўлланмани имтиёзли шартларда аввалгидек 5 йилда бир мартаба эмас, балки ҳар 3 йилда олиши мумкин. Бундан ташқари, бошланғич касба уюшмаларининг молиявий салоҳиятини оширилиши натижасида ҳар йили қўшимча равишда ўн минг нафарга яқин касба уюшма аъзосини соғломлаштириш имконияти юзага келди.

— Касба уюшмалари фаолиятининг негизини ташкил этувчи меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси бугун қай даражада таъминланмоқда?  
— Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида 81 тармоқ келишуви, Қоракўлбоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида 14 ҳудудий келишув, шунингдек, 509 ҳудудий-тармоқ келишуви амал қилмоқда. Бевосита қорхона ва ташкилотларда имзоланган юз мингга яқин жамоа шартномалари орқали 5 миллион нафарга яқин кишининг манфаатлари ҳимояга олинган.

Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, ҳар бир жамоа шартномаси ва келишувларнинг мазмун-моҳиятига янгича ёндашув асосида, уларда инсон омилини фoдаловчи бандлар акс эттишга aloқида эътибор қаратилмоқда. Бунда юқорида таъкидлаганимиз — Бош келишувнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Жорий йилнинг биринчи ярим йили давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 14 минг нафардан зиёд фуқаро ва 16 минг 600 га яқин оилага 7 миллиард 620 миллион сўмликдан зиёд ижтимоий ёрдам қўрсатилди. Жумладан, қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 16 минг 200 нафардан зиёд кам таъминланган ёш оила вакилларига 1 миллиард 516 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Янги оила қўраган 307 нафар ёшга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди ва уй-жой қуриш учун фoдoиз сoдoлар ажратилди. 2 минг 565 нафар кам таъминланган, бoқувчиларини йўқoтган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар тақдим қилинди. Шунингдек, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 3 минг 85 нафар ёш онага 709 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам қўрсатилди, 497 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилиб, ушbu мақсадларга 91 миллион 700 минг сўмлик набағ сарфланди. Олий ўқув юртиларида тахсил олаётган 1 минг 409 нафар талаба учун контракт пулларининг бир қисми қoпланди. Бундан ташқари, ёлғиз ва кeксаларга дори-дармонлар, oзoқ-ovqат махсуoтлари, хонадонларни таъмирлаш, коммунал хизматлар тўлови учун мунтазам ижтимоий ёрдам тадбирлари амалга оширилмоқда.  
**(Давоми 2-бетда)**

## Ўзбекистон — кенг имкониятлар мамлакати Имкониятлар майдони

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз иқтисодий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу тарихий ҳужжат доирасида амалга оширилётган кенг қўламли ишлар натижасида айни пайтда мазкур санoат ҳудудининг ишлаб чиқариш салоҳияти тобора юксалиб бoраётди. Рақобатбардош махсуoтлар ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш омилини жадал суръатда одимлай бошлади.

Қадим Карманда қад рoстлаётган, маҳаллий аҳоли таъбири билан айтганда, имкониятлар майдонига айланган эркин индустриал-иқтисодий зона 130 дан ортиқ ишлаб чиқариш объектини қамраб олган бўлиб, ҳозиргача ўндан ортиқ қорхона фаолиятини йўлга қўйилди. Жумладан, «Шўртанкиёмкомбинат» рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи воситалар ишлаб чиқариш қорхонаси «Коинот» ОАЖ, «Ўзбектелеком» ва Сингапурнинг «Servetehno PTE LTD» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, йилга 3000 дана ускуна ишлаб чиқаради. Қорхонанинг «Dong Seung Korea» компанияси лoйиҳаси асосида қурилган қўшма қорхонада эса йилга 1,5 млн. дана энергияни тeжoвчи лампа, 50 мингта монитор, телевизор, портатив ва компьютер тайёрланмоқда. Шунингдек, ҳудудда автомобил генераторлари ишлаб чиқаришга ихтисoслашган Ўзбекистон-Корея қўшма қорхонаси ҳам фаолият кўрсатяпти.

Навоий ЭИИЗда Бeрлашган Араб Амриклари билан ҳамкорликда «Agrofresh» қўшма қорхонасини ташкил этишдан мақсад эса, бoғ-роғларимизда етиштирилган меваларни табиий равишда қайта ишлаш ва витаминлари сақланган ҳoлда қадоқлашдан иборатдир. Бундан ташқари, 2012 йилда Геология Давлат қўми-

тасининг Жанубий Кореядаги «Неолант» компанияси билан ҳамкорликдаги ярим кристалли кремний ишлаб чиқарувчи заводини ишга тушириш назарда тутилмоқда.  
Навоий ЭИИЗдаги илгор ишлаб чиқариш объектиларидан яна бири «UzEgaeCable» МЧЖ (Ўзбекистон — Корея қўшма қорхонаси)дир. Унинг тамаил тоши 2010 йил январда қўйилган эди. Айни чоғда бу ерда «Нексия», «Матиз» ва «Дамас» русумли автомобиллар учун 19 турдаги ўтказгичли сими ишлаб чиқарилмоқда. Қорхона йилга 130 минг километр махсуoт ишлаб чиқариш қувватига эга. Замоनावий технология асосида иш унумли бажарилаётди. Тайёр махсуoтлар мавжуд лабораторияда 27 турдаги жиҳoз ёрдамида текширувдан ўтказилади ва «ISO 6722» сифат белгиси билан қафолатланади.  
«UzEgaeCable» қорхонаси ҳoдимлар бўлими бошлиғи Фармон Халиловнинг гапига қараганда, бу ерда ишчи ва ҳoдимлар учун барча қулайликлар мавжуд. Масалан, уларнинг ишга кeлиб-кeтишлари учун бeпул автобуслар ажратилган. Ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Ҳар ҳафтанинг шанба ва жумаси «Спорт кунлари» деб эълон қилинган. Бундай ёндашув ҳoдимларнинг гайратига гайрат қўшаётди.  
**Х.САФАРОВА,  
М.АЛОВУДИНОВ**

## Маънавият соатлари

Ўзбекистон КУФК дастурига мувофиқ мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб жойларда ўтказилаётган «Маънавият соатлари» тадбирлари халқ орасига чуқур кириб бoриб, кишилар маънавий оламнинг янада бойишига хизмат қилаётди. Муҳими — мустақиллигининг олий нoъматлиги халқчил ва оддий тилда тушунтириб бeрилмоқдаки, бундан барча иштирокчилар маънавий қoқиқш ҳиссини туйишмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг таниқли ижодкорлари ва олимлари иштирокида ўтган маънавият соатлари кўпчилида яхши таассурот қолдирмоқда.  
Гулистон туманидаги 3-умумтаълим мактаби ҳамда 70-мактаб интернетда бўлиб ўтган «Маънавият соатлари» тадбирларида Республика давлат муқофотининг лауреати, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Омон Мухтор, Ўзбекистон Миллий университети олимлари Қозoқбой Йўлдошев ва Адҳамбек Алимбековлар иштирок этди.

## Тинч, обод юртга байрамлар ярашади

Уларнинг қалб сўзларига биз ҳам қулоқ тутдик. Қозoқбой Йўлдошев, УЗМУ ўзбек филологияси факультети профессори, педагогика фанлари доктори:  
— Сиз, азизларнинг муқаддас ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Мирзагулистон бағрида яшаб, истиклолнинг нурфшон зибёсига чўлғаниб меҳнат қилаётганингиз кишида ўзгача фахр ва гурур ҳиссини уйғотади. Абдулла Қаҳҳор, Фанишер Юнусовдек улғ инсонларнинг муборак қадами теккан бу жойлар ҳаммамиз учун қадрили ва табарруқ.  
Мустақиллик, энг аввало, ўзимизнинг ким эканлигимизни англашга, ҳақ-ҳуқуқимизни танишга имкон бeрди. Кечагина қимларгадир қарам ва бoқиманда эдик. Шукрки, эркинлик туфайли ҳар қадамда тадбиркорлик, уддабoронлик бунга барҳам бeриб бoрмоқда. Жабҳаларда дунё ҳамжамиятига тенгма-тенг бўйлашиб, манфаатли ҳамкорлик сeри дадил бoрмоқда. Мексикада ўтган дунё ўсмирларининг футбол бўйича баҳсларида мамлакатимиз ёшлари эришган ғалаба барчамизни суюнтирди. Улар орасида беш нафари сирдарёлик эканлиги барчамизга aloқида гурур бахш этди.  
Мактаблар, умуман таълим масканлари фаолиятига озгина тўхталсам. Аввало, шахс мустақил бўлмасдан, юрт мустақил бўлмайди. Шахсининг мустақил дунёқараши бўлиб, у эркин фикр эгаси бўлсагина мустақиллик янада мустаҳкамланади. Демак, ўзини англамоқ, дунёни тушуноқ муҳим масалалардан бири ҳисобланади.  
Ўқитувчи бугун мактабда шунчаки кун ўтказиши керак эмас. Мактаб оstonасига ҳар кун қадам қўйган бола уйига қайтаётганида ўзига бир нарса ола билсин. Ўқитувчи зиммасида ана шундай машаққатли ва масъулиятли юк бoрлигини доимо ҳис қилсагина бунга эришиши мумкин.  
Америкалик олимларнинг таҳлилича, Қўшма штатларда болаларнинг билим олишида мактаб оила, муҳит, оммавий ахборот воситаларидан сўнг тўртинчи ўринга тушиб қолибди. Бунга изоҳнинг ҳoжати йўқ.  
Янги педагогик технология, интерфаол ме-

тодлардан ўз ўрнида, самаралироқ фойдалана билиш муҳим. Ўқувчини ўйлаб топишга йўналтириш зарур. Бунинг учун болага материал, имконият ва йўналиш бeрилса бас. Чунки у ўзи ўйлаб топган нарсанинг қадрига етиб, уни умрбод ёдидан чиқармайди. Билимини амалиётга боғлай билиш ҳозирги замон педагогикасининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.  
**Омон Мухторов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат муқофоти лауреати:**  
— Устоз инсонга ҳамиша сув билан ҳаводек зарур. Мустақилликкача етиб кeлолмаганларни «буюк устозлар» дея атаймиш. Бу жойларга улғ устозлар қадами текканлигини дўстлар таъкидлашди. Мен тарихий асарларимни битаётганимда буюк мутафаккир ҳазрат Навоийни саҳроларини кeсиб ўтиб, Бухорои шарифда ҳамда Навоийда бўлганини қалбим тасаввур этаман.  
Ватан — нима у, деган саволга мeнинг жавoбим шундай. У она кaби муқаддас ва азиз. Ҳар биримизнинг ўзлигимиз ва юрагимизга сизгиб, туташиб кeтган борлик. Уни доимо қўсаб яшаш эса катта бахт.  
Ҳаётимда дилхуш одамлар билан суҳбатда бўлишни яхши қўраман. Бугун сизнинг ҳузурингизда юзма-юз мулоқотдалигимдан бeҳад бахтиёрман. Талабалик йилларимда курсдош дўстим бўларди. Бир жойда ётиб-туриб ўқирдик. Олийгоҳни тугатгач, беш йилдан сўнг у билан учрашдим. Орамиздаги ўн дақиқалик суҳбатдан сўнг зерикдим. У ўтган ўнча йиллик фурсатда ўз устиди ишламай бир жойда қотиб қолган эди. Шу воқеа сабаб «Учрашув» шеърим дунё юзини кўрди.  
Мустақиллик йилларида, энг аввало, таваққулимиз ўзгарди ва бойиди. Барча жабҳалардаги каби адабий-тўғишда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Ўз ҳаётимни олсам, истиклол йиллари ижодим барқ уриб гуллади. Ўтган йигирма йилда 14 та роман ёзиб, чoп эттирдим. Улар орасида «Йиллар шамoли», «Эгилган бош», «Фу», «Афлотун» каби фалсафий романларим ҳамда «Тўрт томон қибла» трилогиям бор.  
**(Давоми 2-бетда)**





## «АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни  
ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ —

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ  
20 ЙИЛЛИГИ**  
билан самимий муборакбод этади!

**Тинчлик, фаровонлик, аҳиллик  
юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин!**

### Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини  
оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб  
келаётган соҳа ходимларини, улар билан ҳамкорликда  
меҳнат қилаётган корхона ва  
ташкilot ишчи-хизматчиларини, барча юртдошларимизни  
энг улуг ва энг азиз байрам — юртимиз мустақиллигининг  
20 йиллиги билан қутлайди!*

*Халқимизга мустақам совлик, оилавий бахт,  
хонадонларга файзу барака тилайди.*

*Кўнгилларни Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва юксак  
масъулият ҳисси асло тарк этмасин!*

Айни шукуҳи кунларда ҳар бир хонадонга файз киритиш мақсадида эътиборли тадбирларни амалга ошириб келаямиз. Бунда нафақат ишлаб чиқаришда қатнашаётган ходимлар, балки боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва бошқа эҳтиёжмандлар кўнгилни шод этишга ҳам ҳаракат қилмоқдамиз.

Тадбир доирасида Қоровулбозор туманида бўлди. Бу ерда яшаётган кам таъминланган оилалар ва фаол аёлларни энг азиз ва энг улуг байрам билан табриклаб, уларнинг 15 нафарига гилам поёндозлар тортик этдик. Хурсандчилик ҳаммамизга татиди. «Тинчлик», «Чўлқувар», «Бўзачи» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда яшаётган Тансулу Уразбаева, Саломат Абдиева, Багила Уркинбаеваларнинг Ватан тинчилиги, юрт ободонлиги, инсонга ғамхўрлик ва эътибор ҳақидаги миннатдорчилик сўзлари барчани мамнун этди. Айниқса, туман марказидаги Навоий кўчасида яшовчи ногирон касаначи Нигора Эргашева вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раҳбаридан совғани қабул қилиб оларкан, кўзларидаги қувонч ёшлари дил изҳорларига айланиб кетди.

Худди шундай тадбир тармоқ тизимидаги «Газлинефтьгазқазибчиқариш» унитар шўба корхонасида ҳам мароқли ўтди.

Шунингдек, тизимимиздаги мавжуд 13 та корхона ва ташкилотлар ўртасида спортни оммавийлаштириш мақсадида ўтказилган волейбол, шахмат-шашка, қўл тўпи, стол теннис мусобақалари ҳам байрамона тус олди. Фолибларга кенгашимизнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари топширилди.

Байрам дастурига киритилган бундай тадбирларни ўтказиш давом этмоқда.

**Самин МУХИТДИНОВ,**  
Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё  
саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси  
Бухоро вилояти кенгаши раиси

### «ОҚТОШ САНАТОРИЙСИ»

масъулияти чекланган жамияти  
маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

*Соҳа ходимлари ва  
барча юртдошларимизни  
мамлакатимиз  
мустақиллигининг  
20 йиллиги  
тантаналари билан  
қутлайди.*

**Истиқлол шукуҳи, дориломон кунлардан шукроналик  
ҳисларини туйган ҳолда барча касбдошларимизга  
сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик,  
юртимизга тинчлик ва омонлик тилайди.  
Баркамол авлод, соғлом миллат камолоти йўлидаги  
ишларингизда муваффақиятлар  
ёр бўлсин!**

**Агар азиз бўлса жон,  
Кўшдан эрта уйғон.**

**Аввали оҳиста юр,  
Кейин тез, майли югур.**

**Ҳавоси бўлиб дармон,  
Юрагинг ургай равон.**

**Барча губорлар кетиб,  
Бир кунни йилга етиб —**

**Рухинг гайратга тўлар,  
Мана шу «Оқтош» бўлар.**

### Касаба уюшма аралашгач

Аъзоларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоялашда 17 та жамoa келишуви ва 1075 та жамoa шартномаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ходимлардан келиб тушаётган арза ва шикоятлар мутахассисларимиз томонидан атрофлича ўрганилиб, уларга қонуни доирасида жавоб берилмоқда.

### Ходимлар манфаати устувор

Мисол учун, Олтинсой туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидagi «Баркамол авлод» болалар маркази раҳбари Абдуназар Исмаиловнинг ишга тикланишида ёрдам сўраб қилган мурожаати кенгаш мутахассиси И.Тошпўлатов томонидан атрофлича ўрганилди. Шикоятчининг талаби ҳақ экани аниқланиб, А.Исмаилов марказ директори лавозимига тикланди. Тумандаги 43-мактаб директори М.Жалилов, 61-мактаб директори Э.Эргашевнинг ноҳақ ишдан бўшатирилганлиги ҳақидаги мурожаатлари ҳам ўрганилиб, ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Шунингдек, вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашўнослар маркази котибаси Азиза Сатторова, вилоят педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси Абдурахмон Қурбошев, Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқитувчиси Панжи Гадов, Термиз шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчиси Зафар Аширалиев ушбу масалада мурожаат қилди. Маълум бўлишича, иш берувчилар шикоят муаллифларидан мажбурий тарзда ишдан бўшаш тўғрисида арза олиб, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 99-моддасига зид равишда бўшатган. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан улар ўз вазифасига тикланди.

Бундан ташқари, Узун туманидаги 32-умумтаълим мактаб ўқитувчиси Моҳидил Қўчқоровнинг 750 минг сўм иш ҳақи ҳамда бахтсиз ходиса сабаб, 2-гурӯҳ ногирони бўлган Денов туманидаги 17-БУСМ директори Абдусалом Худоевнинг бир йўла тўланадиган 4 млн. 300 минг сўм товоон пули ундирилди. Шунингдек, А.Худоевга ҳар ойда 298 минг сўм нафақа пули тайинланишида амалий ёрдам берилди.

**Холбўта ДОСОВ,**  
Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси Сурхондарё  
вилоят кенгаши раиси



**Музейда болаларнинг мўъжизалар олами**


Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Мўъжизалар олами» деб номланган болалар музейи очилди. Мазкур болалар музейи 4-14 ёшдаги болаларга мўъжизаларнинг тарихини, археологик ашёлар билан танишиш, табиат неъматлари ҳақида маълумотлар олиш имкониятига эга бўлади. Айтиш керакки, кичик томошабинлар музейда ўз қўллари билан кулчилик ашёларини ясаши, қадимий ёзувларни қозога тушириши, қизиққан саволларига мутахассислардан жавоблар олиши мумкин.

Суратда: Ўзбекистон тарихи давлат музейида.

Сарвар ҲУРОНОВ  
(ЎЗА) олган сурат

**Спорт оламида**

**Хушxabар!**  
**Олимпия йўлланмаси**



Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Венгриянинг Сегед шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида

иштирок этган касабани ушма спортчиси, икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков каноэда 1000 метрга эшак эшиш беллашуварларида маррага учинчи бўлиб етиб келди. Жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланган мохир спортчиси келгуси йили Лондонда бўлиб ўтиши режалаштирилган XXX Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган олимпия йўлланмасини ҳам қўлга киритди.

**Мустақиллик — менинг тақдиримда**

Юртимизнинг ҳар гўшасида байрам нафаси ҳукм сурмоқда. Бундай пайтда ҳар бир киши ўтган ҳаётини сарҳисоб қилади. Ёшим олтишига яқинлашиб қолди, қанча ўзгаришлар гувоҳиман. Узимча ўйлайман: ўтган даврда нималар қилдимми қай юмушларга улгура олмадим, орзунининг қай бирига эришдим. Баъзан эса афсус билан 40 йил кейин тугилсам бўлмасми, дейман.

**Бахтиёрман, боиси...**

Яқин 40 йилдирки, таълим соҳасида ишлаб келаяман. Педагогик фаолиятим давомида уч марта «Педагогик ўқишлар» голиби, «Халқ таълими аълочиси» бўлдим, олий тоифага тавсия қилиндим ва оддий ўқитувчиликдан вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтига бўлим бошлиғи этиб тайинландим. Уч марта «Ижодкор ўқитувчилар» анжумани, икки марта «Тил анжумани» иштирокчисман. 1993 йилда ўтказилган «Ўқитувчи маҳорати» кўрик-танловда «Ўқитувчи-методист» номинациясини олдим. «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгалладим. Шейрларим, мақолаларим қўллаб-қувватлаш маркази нашрларда чоп этилмоқда. «Маърифат» газетасида «Энг яхши мақола», «Ishonch» газетасида «Энг фаол муаллиф», «Мақтабгача таълим» журналида «Энг яхши услубий қўлланма» номинацияларини қўлга киритдим.

Таълим ходими сифатида айтишим лозимки, истиқлол тизимда туб ислохотларни бошлаб берди. Фарзандлар, ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айланди. Юртимизда ҳар бир қарор ва фармонда ёшларга ғамхўрлик ва эътиборини намойиш этмоқда. Мустақиллик йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Қўллаб-қувватлаш маркази таъсис этилди. Йиллар давомида таъмирланмаган, мебел жиҳозлар киритилмаган мактаблар «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури» асосида янгидан қурилди. Мукамал реконструкция қилинди. Илм даргоҳлари худди эртақлардайдек, «Олтин қаср»ларга айланди. Чекка қишлоқ мактабида ҳам XXI аср мўъжизасига айланган компютер синф-

лари савлат тўкиб турибди. Кимё, биология, физика лаборатория хоналари, чизмачилик, тасвирий санъат, мусиқа хоналарида барча керакли жиҳозлар бор. Спорт залларидаги анжомларнинг сон-саногини йўқ. Жондан азиз фарзандларимизга таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар ҳам эътибордан четда қолмади, меҳнатига яраша устама ва кўшимча ҳақ жорий этилди, ойлик маоши бери йилда икки-уч мартадан оширилмоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг ўз билим ва салоҳиятини, иқтидор, истеъдодини намойиш қилиши, ватанга, халқига садоқатини, меҳру муҳаббатини изҳор этишлари, Ўзбекистонимиз довуғини дунёга кенг ёйишлари учун қўллаб-қувватлаш, беллашувар ва мусобақалар ташкил этилмоқда. Йўқса чекка бир қишлоқ боласи Франция саҳнасида туриб, ўзбек достонини айтганимди ёки ял-ял ёниб Хоразм лагисини ўйнаганимди? Буй етган қизларига «у ерга бормайсан, саҳнада ўйнамайсан» деб қаттиқ турган ота-лар «қизимни «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига тайёрлаб беринг», деб илтимос билан келишарди. Шу ўринда мамнуният билан айтаманки,

Зухраҳон РЎЗМЕТОВА,  
Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бош методисти

**Теннис**  
**Бешинчи галаба**

Қарши шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган «Челленжер» туркумидаги халқаро теннис турнири ҳамюртимиз Денис Истомин галабаси билан якунланди.



Яккалик беллашуварларида иккинчи рақамда сараланган тажрибали спортчимиз ҳал қилувчи финал беллашувида словениялик Блаз Кавич устидан 6:3, 1:6, 6:1 ҳисобида галаба қозонди. Эслаб ўтамиз, спортчимиз Қарши шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур аънавий турнирда бешинчи марта шаҳарнинг энг юқорисидан жой олди. Халқаро турнирнинг жуфтлик беллашуварларида эса россиялик Михаил Елгин ва Александр Кудрявцев дуэти голиб чиқди.

Ўз мухбиримиз

**Касаба уюшма спорти**  
**Қизгин баҳслар**

Тошбулоқда Наманган туман соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилди. Беллашуварлар спортининг волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, аркан тортиш турлари бўйича ўтказилди. Волейбол бўйича аёллар мусобақасида поликлиника жамоаси финалда туғруқхона жамоасини енгиб, 1-ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасида эса Тепакўрғон қишлоқ врачлик пункти жамоаси голибликни қўлга киритди.

Шахмат бўйича ўтказилган аёллар мусобақасида Кичик-қурама қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Комила Нурматова, эркаклар ўртасидаги мусобақада Тепакўрғон қишлоқ врачлик пункти жамоаси вакили Ёқубжон Сиддиқов, шашка бўйича аёллар баҳсида гинекология бўлими ҳамшираси Кибриёхон Мирзаханова, эркаклар мусобақасида болалар бўлими жамоаси вакили Шамсиддин Ғозиев, стол теннисида аёллар ўртасида шошилинч тиббий ёрдам бўлими жамоаси вакили Муножат Ҳабибуллаева, эркаклар мусобақасида шошилинч тиббий ёрдам бўлими жамоаси вакили Б.Мирзавалиев шохсупага кўтарилди. Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

С. ИБРОҲИМОВ,  
Наманган туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

**Тадбир**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши мутасаддилари Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб, бу ерда истиқомат қилаётган нуронийлар ҳолидан хабар олди.

**Меҳр-мурувват мамлақати**

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шавкатбек Қодиров уруш ва меҳнат фахрийлари доимо касаба уюшмалари эътиборида эканлигини алоҳида таъкидлаб, уларни яқинлашиб келаётган мустақилликнинг 20 йиллиги ҳамда ИЙД Рамазон билан табриқлади. Шундан сўнг 150 нафар қарияларга байрам совғалари топширилди. — Пансионатга ҳомийлик ёрдамини кўрсатаётган ташкилотлар сони ортиб бормоқда, — дейди Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг бошқарма бошлиғи Нуралӣ Йўлдошев. — Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бугунги ташрифи кишини ниҳоятда хурсанд қилди. Раҳматилло Холиқов: — Бугунги тадбирдан бошим осмонга етди. Биз қарияларнинг кўнглини кўтариб, яхши кайфият улашган касаба уюшма фаолларига ўз миннатдорчилигини изҳор этаман. — Республикада худудидоги 8 та аёллар Мурувват уюшма аъзоларига 16 миллион сўмлик қийим-кечак ҳамда пойабзал олиб берилди. Республика имконияти чекланган ногиронлар коллежида ҳам 8 миллион 680 минг сўмлик хайрия тадбири ўтказилди. Хайрия тадбирларини бундан бун ҳам давом эттираман, — дейди Марказий кенгаш раиси муовини Бўриш Шодиева. Н. РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

**31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни**

**«Терак баргидай титраб яшашдан ёмони йўқ!»**



Амирхамзахон Аббосхон ўғли XX асрнинг 20 — 30-йилларида маърифатпарвар зиёлилар сафида турарди. Унинг отаси ўз даврининг лиғор кишиларидан бўлган. Амирхамзахоннинг кичик қизи Меҳмонхон ҳожи ая отаси ҳақида шундай дейди: — Отам Амирхамзахон Аббосхон ўғли 1895 йил 10 сентябрда Шайхонтоҳур даҳасида бой оилада таваллуд топган. Бошланғич таълимни отаси ҳамда онаси Зебо оймидан олган. Бизга айтиб беришларича, мактабни ҳам қисқа даврда битказиб, Тошкент, Бухоро, Самарқанд мадрасаларида ўқишни давом эттирдим. Катта олам Турғунпошхоннинг айтишича, отам шариат қонунларини мукамал билган, Куръонни қироат билан ўқиган. Бобом ва отам диний илмлардан ташқари деҳқончилик, боғbonлик билан шуғулланишган. 1930-1934 йилларда пахта режасини 140 фоиз, пилани 145 фоизга етказиб давлатга топширган учун республика раҳбарияти Москвага Бутуниттифок қишлоқ хўжалиги кўргазмасига юборганлигини, бу ҳақда «Правда», «Известия» газеталарида мақолалар

босилганини эшитганим бор. Шунга қарамай, қора кўнлар отамни четлаб ўтмади. Билими, адолатпарвар, миллатпарвар зиёлиларни қамаш бошланганида, отамни гоҳ Наманганга, гоҳ Андижонга, гоҳ Тошкент вилоятининг чекка қишлоқларига олиб кетиб, кўздан қочиришига ҳақида онам Орзухон айтиб беради. «Диндан чиқсанг, сени қамашмас эмиш, тирик қолсан...», тарзидаги тақлиф билдиришганида, Амирхамзахон «Дунёда терак баргидай титраб яшашдан ёмони йўқ» дея рад этган экан. Жиноятчилик яшириниб яшаш жонига теккан Амирхамзахон Аббосхон ўғли 1940 йилда ўз хоши билан НКВДга келганда, махфий хизмат ходимлари кўзларига ишонмаган. Тоштурмадаги 3 ҳафталик савол-жавоблардан сўнг, «аксинлиқчилик»да, айбланиб, 15 йилга сўргун қилинади. Энг оғир жиноятчилар билан Челябинскга товар вагонидан жўнатилган. Қамқоқоннинг балинд девори, темир дарвозаси Амирхамзахоннинг кўзига совиқ кўринарди. Бараклардан қўланса хид анқиб турарди. 1952 йилнинг баҳоринда Амирхамзахон мuddатни ўтаб, ўз уйига эмас, балки хозирги Алишер Навоий номидаги кинотеатр яқинида яшайдиган тоғаси Саидмахмудхон хонадо-

нига қайтиб келади. Буни эшитиб, боши берк кўчанинг чап томонидаги ҳашаматли уй ҳовлисига отилиб кирдим ва Амирхамзахон поччамнинг кучоқларига отилдим. Амирхамзахонга Хўжавалонбардор масжидига Рамазон ҳайитининг чин арафасида қайтиб келиш насиб этган эди. Буни қарангки, озодликка чиққандан сўнг ҳам Амирхамзахон гоҳ Саидмахмудхон, гоҳ мухлислари хонадониди яширинча яшаб, онда-сонда тун қоронғусида қизлари, умр йўлдошини кўргани келишига мажбур бўлган эди. Фақат Пирзодахон қизлари 1952 йил 15 июлда вафот этган, дафн маросимида кўриниш берган эди. Барчаннинг нигоҳи эшон Амирхамзахонга эди... Дафн маросимига қатнашганларнинг кўзларидан ёш оқарди... Эшон Амирхамзахон пайгамбар ёшида боқий дунёга рихлат қилди. Қизлари падари бузрукворини шундай ёдга олишди: **Турғунпошша:** — Отамиз умрини молу дунёга эмас, илмга бағишлаган ва Марказий Осиёда қозлаб мухлис орттирган ўта камтар, камсуқум, меҳрибон инсон эди.

**Хонпошшахон:** — Китоблардан бошқа бойликларни йўқ эди. 1937-42 йилларда уларнинг қўли қабристонларга яширилди. Бир араваси эса Самарқанд дарвозадаги Абдурахмон исми мухлиснинг уйига олиб бориб қўйилган эди. **Озодахон:** — Отамизни қомусий илм соҳиб дейишар эди. 1920 йил САГУ ташкил этилганда, Рабфак талабаларига олим Шорасул Зунун, Муҳаммадхўжа аълам қаторида араб, форс ҳамда алгебра, геометрия, тригонометрия, астрономия фанларидан сабоқ берган экан. **Меҳмонхон:** — Қамқоқдан қайтиб келган, онда-сонда ярим тунларда яширинча бизни кўргани келар эди. Бошимизни силаб, юзимиздан ўлиб, кўзлариди ёш билан: «Қизалоқларим, силарга ота сифатида меҳр улаша олмадим», деб кўп афсус-надомат чекарди. Мустақиллик туфайли отам каби инсонларнинг номи тикланди. Бундай эзгу ишга бош бўлганлардан бир умр миннатдоримиз. **Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

**Insonga naf keltirish**  
OLY BAXT

**Muassis:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**  
Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99893 725 46 40;  
Namangan + 99897 491 79 27;  
Samarqand + 99866 708 10 12;  
Surxondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99890 232 93 19;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
A. Qodirova  
Navbatchi:  
A. Arslonov  
Musahhih:  
S. Shodiyeva

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi:**  
H. Abdullajlov

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili:**  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

**«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda mabta sifatida gazeta nomi ko'rsatilib chiqarilmaydi. Mualliflari fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.**

**«Tijorat materiallari»**  
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00  
Topshirildi - 21.40

**Byuroyma Γ — 811**  
13617 nuxxada bosildi  
2 3 4 5

«Greenland trans servis» MCHJa qarashli «HOWO SINOTRUK» ruscumli d/p 01/783 XAA, «ZCZ 9404GF» ruscumli d/p 01/ O 279 AA, «HOWO» ruscumli d/p 01/656 BAA bulgan avtotransport vositalariga berilgan 0723820, 0723821, 0723822, 0723823, 0789371, 0789372 raqamli litsenziyalar iyoqolganligi sababli **BEKOR KILINADI.**